2016 ЙИЛ 21 ИЮНЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 125 (13.188)

Баҳоси эркин нархда

## МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР ҲАМКОРЛИК ШҲТ МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИДИР

*“Ўзбекистон ШҲТга раислиги доирасида маданий-гуманитар, илм-фан ва таълим соҳаларида самарали минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратади”.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ**

(ШҲТ Уфа саммити нутқидан, 2015 йил, июль)

Жорий йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил топганига 15 йил тўлади. У 2001 йили, энг аввало, минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни, хавфсизликка таҳдидларга қарши курашни мустаҳкамлаш учун таъсис этилган эди. Бироқ унинг фаолиятида маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ташкил қилиш тўғрисидаги декларацияда илмий-техникавий, маданий, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик мазкур тузилманинг мақсадлари сифатида ўз ифодасини топган.

2002 йили ШҲТга аъзо мамлакатлар маданият вазирлари йиғилиши механизмининг ишлай бошлагани бу йўналишда ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди. ШҲТ маданият вазирларининг биринчи йиғилиши ўша йилнинг ўзида ХХР пойтахти Пекин шаҳрида бўлиб ўтди. Шундан буён маданий алмашувларнинг замонавий ҳолати ва истиқболларини муҳокама этиш мақсадида бундай анжуманлар ҳар йили ўтказилмоқда.

2005 йили тузилган маданий ҳамкорлик масалалари бўйича экспертлар гуруҳининг биринчи мажлиси 2006 йил декабрь ойида бўлиб ўтди. ШҲТ маконида қўшма маданий тадбирлар ўтказилишини кўриб чиқиш ушбу гуруҳнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди. Шунингдек, 2006 йилдан эътиборан мазкур соҳада кўп томонлама шерикликнинг йиллик режаларини қабул қилиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш тажрибаси йўлга қўйилди. Унга мувофиқ ихтисослаштирилган анжуманлар ўтказилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2007 йил 16 августда ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг имзоланиши билан бу йўналишдаги алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Ўтган йиллар давомида ташкилот мамлакатлари ҳудудида мунтазам равишда ҳунарманд усталарнинг кўргазмалари ва халқ ижодиёти фестивалларини ўтказиб келинмоқда. Қўшма маданий тадбирлар сони йилдан-йилга ошиб бораяпти, уларнинг дастурлари мазмунан бойиб, кенг қамровли тус олаётир.

ШҲТ давлатларидаги акцияларда, тадбирлар ва халқ байрамларида фольклор жамоалари иштирок этмоқда. 2007 йили биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан “Цивилизациялар мулоқоти” альбоми нашр қилинди. Унда тузилмага кирадиган мамлакатларнинг маданий ўзига хосликларига доир умумлашма маълумотлар ўз ифодасини топди.

Мусиқа, театр ҳамда тасвирий санъат, кинематография, архив, музей ва кутубхоначилик ишлари, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳалари ҳам ўзаро тажриба алмашишнинг муҳим йўналишларидандир. ШҲТ мамлакатларининг ижодий жамоалари ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг доимий қатнашчилари ҳисобланади.

Бундай тадбирларнинг барчаси давлатлар ҳамда халқларни бир-бири билан таништиришга, ўзаро тўғри тушуниш ва мулоқотни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Таълим муассасаларида ШҲТга аъзо давлатларнинг тиллари, тарихи, маданияти ҳамда адабиётини ўрганиш бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида Конфуций институтлари, Хитойнинг қатор олий ўқув юртларида минтақамиз халқларининг тилларини ўрганиш кафедралари тузилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Бу дунёда жамики жонзод сув билан тирик. Айниқса, ҳозирги иссиқ кунларда салқин ичимликларга эҳтиёж янада ортади. Чанқасак, исталган дўконга кириб қадоқланган сув ёки шарбат олиб ичамиз. Дўкону бозорларда турли салқин ичимликлар тахлаб қўйилган.***



## ХОРИЖДА ҲАМ ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ЭГА

Бунинг нимаси ажабланарли, дерсиз. Тўғри, бундай мўл-кўлчилик ҳозир ҳар бир жабҳада, ҳамма жойда оддий ҳолга айланган. Лекин ҳар доим шундай бўлганми? Гап ана шунда...

– 1985 йил кенжа ўғлимни уйлантирадиган бўлдик, – дейди ғаллароллик Абдували Туронов. – У пайтларда тўйга газли сув қўйиш у ёқда турсин, ичишга топиш амримаҳол эди. Жиззахдан тополмай Тошкентга келдим. Салқин ичимликларнинг лимонад ва “Тошкент суви” деган икки хили бўларди, холос. Шу ҳам етишмасди... Бугун юзлаб яхна ичимлик бор. Шифобахш булоқ суви дейсизми, мева шарбатлари дейсизми, экологик тоза ичимликлар бозор расталарида, савдо шохобчаларида кўзни қувнатиб турибди. Аввалгидек топилганини эмас, хоҳлаганингизни харид қиласиз. Буюртма асосида уйга ҳам олиб келиб бериш хизмати йўлга қўйилган. Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз шарофатидан.

Иқтисодиёт вазирлигининг маълумотларига кўра, мамлакатимизда салқин ичимликлар ишлаб чиқарадиган олти юздан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган бу корхоналарда юздан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 31 октябрдаги “2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бу жараёнда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

“Family”, “Bonaqua”, “Shaffof”, “Silver”, “Baraka”, “Arktika”, “Montella”, “Nestle”, “Hydrolife” каби ичимлик сувлари, “Aqua Marin”, “Kavsar”, “Arctea”, “Libertea”, “Ays”, “Baysce”, “Dinay”, “Smile” ва бошқа номлардаги сифатли салқин ичимликлар, “Hey!”, “Bliss”, “Сочная долина”, “Dena”, “Meva”, “Dolce” каби шарбатлар юртдошларимиз томонидан севиб истеъмол қилинади. “Master Global Plyus”, “Yevro fud treyd”, “Agromir-Samarqand”, “Fense”, “Fuse tea” каби йирик корхоналарда юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавотлардан турфа шарбатлар, консерва маҳсулотлари, яхна чойлар ва сувлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бугун дўконларимизда таклиф этилаётган маҳсулотлар энг нозиктаъб харидорга ҳам манзур бўлади. Бу ичимликлар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорларига эга.

Юртимизда шифобахш минералларга бой ер ости суви манбалари жуда кўп. Инсон саломатлиги учун фойдали микроэлементларга бой бундай сувларни қадоқлаб, аҳолига етказиш изчил ривожланмоқда. Минерал сувлар ишлаб чиқарадиган кўплаб корхоналар муваффақиятли иш олиб бормоқда. “Fruitjuise” масъулияти чекланган жамияти шулардан бири.

2015 йилда ўз фаолиятини бошлаган мазкур корхона истеъмолчилар ишончини қозониб улгурган. Иш жараёнида чет элдан келтирилган илғор технологиялар қўлланилаётгани маҳсулотнинг юксак сифатини таъминлашга хизмат қилмоқда. “Fruitjuise”да фаолият юритаётган малакали мутахассислар маҳсулотнинг қамрови ва турини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу ерда катталар ва болалар учун шифобахш маъданли сувлар ишлаб чиқарилади. “Тянь-Шань” номи остида тайёрланаётган, тетиклантирувчи хусусиятга эга, инсон соғлиғи учун зарур микроэлементларга бой бундай сувларга талаб юқори. Корхонада бежирим ва ўзига хос усулда турлича қадоқланаётган маҳсулотни хонадонларга ва ташкилотларга етказиб бериш йўлга қўйилган.

Пойтахтимиздаги “Green World” Ўзбекистон – АҚШ – Жанубий Корея қўшма корхонасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан турли шарбатлар, мураббо, шинни ва консерваланган тузламалар тайёрланади. Бежирим қадоқланаётган мева шарбатлари юқори сифати, хуштаъмлиги ва табиийлиги билан ажралиб туради.

– Корхонамиз 1999 йили ўз фаолиятини бошлаган, – дейди “Green World” қўшма корхонаси раҳбари Аваз Исмоилов. – Маҳсулотларимиз юз фоиз табиий, барча зарур витаминларга бой. Бу моддалар организмда қанчалик кўп бўлса, ўзимизни шунчалик бардам сезамиз. Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларига мева шарбатлари ва ўн турдаги консерваланган маҳсулотларни етказиб бермоқдамиз. Шу билан бирга, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа кўплаб давлатларга маҳсулотларимизни экспорт қилмоқдамиз. Хорижда маҳсулотларимизга талаб кун сайин ортмоқда.

Шифокорларнинг айтишича, витаминларга бой шарбатлар инсон иммунитетини оширишга ва стресс ҳолатининг олдини олишга ёрдам беради. Уларнинг модда алмашинувини яхшилаши илм-фанда исботланган.

Юртимиздаги бундай мўл-кўлчилик истиқлол шарофати, Президентимиз раҳнамолигида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

**Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ШҲТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИГА БАҒИШЛАНДИ

***Тошкентда шу йилнинг 23-24 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси бўлиб ўтади. Шу муносабат билан ШҲТ саммитининг пойтахтимиздаги халқаро матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ташкил этилди.***

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этиши расман тасдиқланган таъкидланди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Зариф кузатувчи давлатлар, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов раислик қилувчи мамлакат меҳмони сифатида иштирок этади.

Мажлисда ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев ҳам қатнашади.

ШҲТ саммитида халқаро ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари Жефри Фелтман, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжа, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Минь, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг ижрочи директори Гун Цзяньвэй ҳам иштирок этади.

*(Давоми 2-бетда)*

## МАТБУОТ МАРКАЗИ САММИТГА ТАЙЁР

***Тошкент шаҳрида 23-24 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтади. ШҲТга Ўзбекистон Республикасининг раислиги доирасида саммит олдидан кенг кўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилди.***

ШҲТ саммитини ёритишда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Беларусь, Эрон, Мўғулистон ва бошқа давлатлар оммавий ахборот воситаларидан икки юзга яқин вакил, мамлакатимиздан қарийб икки юз журналист қатнашади.

ШҲТнинг халқаро майдондаги аҳамияти ва нуфузи юксалиб, фаолияти самарадорлиги ошиб бораётгани жаҳонда катта қизиқиш уйғотмоқда. ШҲТнинг Тошкент саммитини нафақат мазкур ташкилотга аъзо, кузатувчи, мулоқот бўйича шерик ҳамда меҳмон сифатида таклиф этилган мамлакатлар, балки бошқа кўплаб давлатларнинг оммавий ахборот воситалари, нуфузли халқаро нашрлар, ахборот агентликлари, интернет нашрлари ва телеканаллар вакиллари ҳам ёритиб бориш истагини билдиргани бунинг далилидир.

Саммит доирасидаги тадбирларни кенг, сифатли ҳамда тезкор ёритиш учун “Ўзэкспомарказ”да барча қулайликка эга халқаро матбуот маркази ташкил этилди. Саммит кунлари журналистлар иш олиб борадиган ушбу марказ энг юксак талабларга жавоб берадиган замонавий техника – электрон намойиш стендлари, компьютерлар, принтерлар ва бошқа кўп функцияли қурилмалар, телефон билан жиҳозланган, юқори тезликдаги Wi-Fi ҳамда симли тизимлар орқали Интернетга уланиш имконияти яратилган.

Матбуот марказида саммит арафасида ва анжуман кунлари журналистларнинг тўлақонли ҳамда самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

**(ЎзА)**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Андижонда “Мустақиллик: Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти фаолияти билан боғлиқ қонунчиликнинг ривожланиши”, “Мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши”, “Андижон вилоятида ижтимоий шериклик ривожланишида халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг роли” мавзуларида маърузалар тингланди.**

**• Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида навбатдаги битирувчиларга диплом топшириш ва ҳарбий унвон беришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

**• Бухоро тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази мукаммал таъмирдан сўнг фойдаланишга топширилди. Марказда олиб борилган бунёдкорлик ишларига 476 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Лойиҳа туфайли 250 ўринга мўлжалланган зал замонавий қиёфага келтирилди. Марказда рубоб, доира, рақс, фортепьяно каби мусиқий, шунингдек, кураш спорт тури бўйича ўнга яқин тўгарак фаолияти йўлга қўйилган.**

**• Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда Қарши шаҳрида ёш оилалар учун қурилган “Камолот” уйи фойдаланишга топширилди. Қарши шаҳрининг марказида қад ростлаган 48 хонадондан иборат 4 қаватли уй шаҳар кўркига кўрк қўшди. Барча қулайликларга эга янги уй ёш оилаларда эртанги кунга ишонч, юрт равнақи йўлида фидойи бўлиш, Ватанга муҳаббат туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.**

### ЖАҲОНДА

**• Американинг Vacuums Unlimited компанияси олтин билан қопланган дунёдаги энг қиммат вакуумли GoVacuum GV62711 чангютқичини тақдим этди. Ушбу чангютқичнинг қиймати 1 миллион долларни ташкил этади. Ҳашаматли чангютқичнинг корпуси ва бошқа деталлари 24 каратли сариқ олтин билан қопланган, тутқичи ва роликлари уритан каучукдан ясалган, ташқи қопи қўлда яшил матодан тикилган. Чангютқич бир нечта иш режимига ва тортиш кучига эга.**

**• Бельгия пойтахти Брюссель шаҳридаги халқаро аэропортда мамлакатдаги барча авиарейсларнинг 65 фоизини амалга оширувчи “Swissport” авиакомпанияси юк ташувчиларининг иш ташлашлари давом этмоқда. Улар меҳнат шароитининг оғирлиги, жумладан, ходимлар етишмаётган чоғда қўшимча ишларнинг кўпайиб кетаётганига норозилик билдирмоқдалар.**

**• Philips компанияси смартфонга уланувчи сенсор ва Bluetooth модули ўрнатилган Sonicare FlexCare Platinum Connected тиш чўткасини яратди. Қурилма тиш чўткаси эгасининг стоматолог шифокорига ҳисобот юбориб туриш имкониятига эга. Тишни тозалаш вақтида олинган маълумотлар iOS ва Android базасидаги қурилмаларнинг дастурида акс этади.**

# ДЕПУТАТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

***Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш энг муҳим устувор вазифаларимиздан биридир.***

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг ўз модели изчил амалга ошириб борилиши натижасида йилдан йилга иқтисодиётда барқарор юқори ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мувозанат таъминланмоқда. Президентимиз томонидан белгилаб олинган йўл, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш ёки ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида республикамизда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодиётини ва уларнинг давлат бюджетини оғир аҳволга солаётган бир пайтда Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётганлиги, оқилона солиқ ва бюджет сиёсати юритилаётганлиги, иқтисодиётда солиқ юки камайиб бораётганлиги, Давлат бюджети профицит билан ижро этилаётганлиги, инфляция даражаси белгиланган меъёрдан ошмаётганлиги каби қатор ижобий натижа ва ҳолатлар амалга оширилаётган ишларнинг яққол ифодасидир.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди.

Истиқлол йилларида соҳада олиб борилган чуқур ислоҳотлар туфайли бугунги кунда тадбиркорлар ялпи ички маҳсулотнинг 56,7 фоизидан ортиғини ишлаб чиқармоқда. Мазкур соҳада аҳолининг бандлиги 77 фоизни ташкил этмоқда. Давлатимиз томонидан тадбиркорликка кенг кўламда имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда.

Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.

Мустақиллик тараққиёт йилларида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиёти 5 каррадан кўпроқ ҳамда аҳоли даромадлари жон бошига 8,7 баробар ўсди.

Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш — ҳозирги босқичда энг устувор вазифаларимиз қаторида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2000 йилдан буён мамлакатимизда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 220 баробардан зиёд ошгани ҳам маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босишга қаратилган ишларнинг самара бераётганини кўрсатади.

Ушбу стратегияни янада ривожлантириш мақсадида 2015-2019 йилларга мўлжалланган янги Маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 600 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган ва бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

2016 йил бошидан буён маҳаллийлаштирилган 37 тардаги янги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мухтасар қилиб айтганда, тадбиркорлик соҳасига қаратилаётган эътибор бежиз эмас, албатта. Чунки жаҳон тажрибаси далолат бераётганидек, айни кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали восита, ички бозорнинг ривожланиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари ошиб боришининг ғоят муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги "2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги ҳамда 2014 йил 4 февралдаги қарорларига асосан Тошкент шаҳрида 2015-2019 йилларда жами 77 та корхона томонидан 155 та маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг амалга оширилиши белгиланган.

2015 йил якунига кўра ҳудудий корхоналар томонидан 1399,1 млрд.сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Маҳсулотлар сотиш ҳажми 1073,9 млрд.сўмни, шу жумладан экспорт ҳажми 16,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ҳудудий Дастурнинг амалга оширилиши 500 млн.АҚШ доллари миқдорида импорт ҳажмини камайтиришга имкон берди ва энг асосийси, 268 та янги ишчи ўрни ташкил этилди.

2016 йил учун олдимизга қўйган режаларимиз бундан да юқори бўлиб, дастур доирасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2 трлн.сўмга етказиш, яъни 2015 йилга нисбатан 1,4 баробар кўпайтириш, 400 дан зиёд янги иш ўринларини ташкил этиш ва маҳаллийлашган маҳсулотлар экспорти ҳажмини 50 млн.доллардан ошириш каби асосланган рақамларимиз мавжуд.

2016 йилда дастурни сифатли, экспортбоп маҳсулотлар ўзлаштиришга қаратилган лойиҳалар билан бойитиш, шунингдек, корхона ва ташкилотлардаги мавжуд муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш, уларни ҳал этиш юзасидан таклифларни тегишли идораларга тақдим этиб бориш ва шаҳар миқёсида ечими топиладиган муаммоларни зудлик билан ҳал этиш масалалари олдимизда турган асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди.

Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш — ҳозирги босқичда энг устувор вазифаларимиз қаторида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик шарофати билан Маҳаллийлаштириш дастури доирасида тадбиркорларнинг ўз маҳсулотларини четга экспорт қилишлари учун кенг имкониятлар яратилди.

Маҳаллийлаштириш дастуридаги вазифалар ижроси устидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги O`zLiDep депутатлик гуруҳи назоратни олиб бормоқдалар. Натижада, биргина Тошкент шаҳрининг ўзидан 26 та ҳудудий корхонани 65 та лойиҳа билан Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш таклифи маъқулланди. Шунингдек, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи мажлисида Маҳаллийлаштириш дастуридаги вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан 2016 йил 1 чорагида 8 та мансабдор шахслар (органлар) ҳисоботининг эшитуви ташкил этилди. Натижада Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиялари муҳокамасига 4 та таклифлар киритилди.

Маҳаллийлаштириш дастурининг Тошкент шаҳрида ижросини таъминлаш масаласи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги O`zLiDep депутатлик гуруҳининг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

**Тўрабек НАЗАРОВ,**
**O`zLiDep Тошкент шаҳар Кенгаши раиси**

# МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР ҲАМКОРЛИК ШҲТ МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИДИР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу ўринда Хитой Халқ Республикасида Ўзбекистонга, унинг тарихи, маданияти ҳамда замонавий тараққиётига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини қайд этиш лозим. Хусусан, 2013 йилдан эътиборан мамлакатда Ўзбекистон тадқиқотлари маркази фаолият кўрсатмоқда. Хитойнинг нуфузли ўқув-академик муассасаларидан бири ҳисобланадиган Шанхай халқаро тадқиқотлар университетида ўзбек тили кафедраси ишлаб турибди. Агар яқин вақтга қадар унда битта гуруҳ таҳсил олган бўлса, жорий йилдан бошлаб уларнинг сони иккитага етди. Бундан ташқари, 2016 йилнинг сентябридан эътиборан ўзбек тили нафақат кафедрада, балки Шанхай олий ўқув юртида алоҳида факультатив дарс сифатида ўқитилади.

Маълумки, ШҲТ давлатлари катта илмий-техникавий салоҳиятга эгадир. Уларнинг бугунги тараққиётида "билимлар иқтисодиёти" изчил ошиб бораётгани кузатилмоқдаки ташкилот мамлакатлари ўз интеллектуал салоҳиятини юксалтириш учун салмоқли ҳажмдаги маблағларни жалб этаяпти. Бу мазкур жабҳада яқин шерикликни йўлга қўйишни тақозо қилади.

Шу боис 2010 йилдан буён амал қилаётган фан ва техника бўйича ШҲТга аъзо мамлакатлар вазирликлари ҳамда идоралари раҳбарларининг учрашуви механизми самарадор эканлигини таъкидлаш жоиздир. Ўша йилнинг май ойидаёқ Пекинда тузилмага аъзо давлатлар вакилларининг бу йўналишдаги биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида кўп томонлама илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ва ШҲТ ҳудудида илм-фан, янги технология ҳамда инновацияларни илгари суриш учун қулай шароитларни яратиш масалалари муҳокама этилди.

2013 йилнинг сентябрь ойида Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро Битим имзоланди. Ҳозирги пайтда 2017 — 2021 йилларда ташкилот доирасида лойиҳавий фаолиятни янада ривожлантириш бўйича Тадбирлар рўйхатининг лойиҳаси устида иш олиб борилаяпти. Бундан ташқари, ШҲТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясига мувофиқ доимий мулоқот ва илмий-техникавий муваффақиятлар алмашуви воситасида ўзаро манфаатли инновация дастурлари ҳамда лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ШҲТ мамлакатлари ўзаро яқин алоқаларни йўлга қўйган яна бир йўналиш ҳисобланади. 2009 йил октябрида ҳукумат раҳбарлари ШҲТ ҳудудида юқумли касалликларга қарши курашиш юзасидан қўшма баёнот қабул қилишганида, томонларнинг мазкур жабҳадаги муносабатларни мустаҳкамлашга бўлган содиқлиги ўз тасдиғини топди. Ташкилот аъзолари юқумли касалликлар мониторингини юритиш, лабораторияларнинг тармоқлари салоҳиятини ошириш, кадрлар тайёрлаш, ВИЧ-инфекция ҳамда сил касаллигига қарши самарали курашиш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга келишиб олдилар.

ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудида юқумли касалликлар келтириб чиқарадиган эпидемия вазиятидан хабардор этиш бўйича изчил иш олиб борилмоқда. Тиббиёт соҳасидаги кооперациянинг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш учун соғлиқни сақлаш вазирларининг йиғилишлари мунтазам равишда ўтказилмоқда. Уларнинг сўнгги йиғилиши 2015 йилнинг июль ойида Москвада (Россия) бўлиб ўтди. Амалий ҳамкорлик экспертлар (2007 йилдан буён), соғлиқни сақлаш вазирликларининг катта лавозимли вакиллари ҳамда санитария-эпидемиология хизматлари раҳбарлари даражасида (2008 йил июнь ойидан бошлаб) амалга оширилаяпти.

2011 йилнинг июнь ойида имзоланган Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга биноан, томонлар юқумли касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш, дори воситаларининг хавфсизлиги ҳамда сифатини таъминлаш, саломатликни муҳофаза этиш тизими ҳамда телетиббиётни ахборотлаштириш ва бошқа масалалардан бир-бирига кўмаклашади. Ҳамкорликнинг аниқ равшан механизмлари ҳам кўзда тутилган. Улар илмий ҳамда инновацион муваффақиятлар илғор ва замонавий технологиялар алмашинуви, халқаро тадбирларда (кўргазма, конференция, симпозиум ҳамда бошқалар) қатнашиш жамоатчилик саломатлигига хавф туғдирадиган фавқулодда вазиятларда тезкор ахборот алмашишдан иборатдир.

2013 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда ушбу соҳада кўриладиган чора-тадбирларнинг "йўл харитаси" бўлиб хизмат қиладиган тегишли дастур қабул қилинди.

**"Жаҳон" АА**

# ШҲТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИГА БАҒИШЛАНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари А.Носировнинг маълум қилишича, тадбирда иштирок этиш учун Тошкентга ШҲТга аъзо давлатлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек, чет эл оммавий ахборот воситаларининг қарийб 1000 вакили ташриф буюради.

Бўлажак ШҲТ саммити давлат раҳбарларининг юбилей мажлиси бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил топганининг 15 йиллигига бағишланади.

Давлат раҳбарлари мажлис кун тартибига мувофиқ, ШҲТ доирасида серқирра ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларини муҳокама этади, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашади.

Давлат раҳбарлари учрашуви якунида асосий ҳужжат — ШҲТ ўн беш йиллигининг Тошкент декларацияси қабул қилинади. Унда ташкилотнинг сўнгги ўн беш йиллик фаолияти аъзо давлатларнинг ШҲТни ривожлантириш истиқболларига нисбатан келишилган ёндашувлари, шунингдек, жорий халқаро ҳамда минтақавий вазият бўйича позиция ўрин олади.

Давлат раҳбарлари 2025 йилгача ШҲТни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишга доир 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳаракат режаси ва ШҲТни ривожлантириш, унга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди.

ШҲТнинг бўлажак саммити Ўзбекистоннинг ташкилотга раислигининг сўнгги тадбиридир. Ўзбекистон раислигида ШҲТ фаолиятини янада такомиллаштириш, ташкилот доирасида сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт ва гуманитар алоқалар соҳаларида ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Давлат раҳбарлари кенгашининг бўлажак мажлиси кун тартибини мазмунан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди.

ШҲТ саммити арафасида Тошкентда ташкилотга аъзо давлатларнинг турли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қатор учрашувлари ўтказилади. ШҲТга аъзо давлатлар маданият вазирларининг 21-22 июнь кунлари бўлиб ўтадиган навбатдаги йиғилишида маданият ва санъат соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама этиш режалаштирилган.

22-23 июнь кунлари ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви ва Банклараро бирлашма кенгашининг ҳам мажлислари ўтказилади. Уларнинг доирасида ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатларнинг ишбилармон ҳамда молиявий доиралар вакилларининг савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик соҳасида иштирокини фаоллаштириш ҳақида фикр алмашиш мўлжалланмоқда.

ШҲТ саммити ҳужжатлари бўйича якуний келишиш мақсадида 20-22 июнь кунлари ШҲТга аъзо давлатлар миллий координаторлари кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

**(ЎзА)**

# САЛОМАТЛИК — УМР ГАРОВИ

***Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Оиланинг бахти ва давлати — соғлом оналик ва болаликда" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

"Соғлом оила – соғлом жамият – порлоқ келажак" лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, партия фаоллари, "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг марказий клиник шифохонаси шифокорлари иштирок этди.

Мамлакатимизда "Соғлом она – соғлом бола" модели давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданиятни юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга оид ишларни янги босқичга кўтарди.

– Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастурлари миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини оширишда ўзининг юксак самараларини бермоқда, – дейди ЎзА мухбирига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Ёқубов. – "Соғлом она – соғлом бола" концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ушбу концепциянинг изчил амалга оширилаётгани туфайли Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Давра суҳбатида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини янада такомиллаштириш, ёшларда соғлом турмуш тарзига амал қилиш кўникмаларини кучайтириш, жойлардаги мавжуд камчиликларни ҳал этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**С.ШОЕВА**

# ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

***Қисқа давр ичида мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг пойдевори – конституциявий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Ислоҳотлар натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлар тизими шаклланди. Муҳими, "учинчи сектор" билан давлат ҳамкорлиги натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мустақил фаолият юритиши, давлат ва жамият ишларини бошқариши учун кенг имкониятлар эшиги очилди.***

Нодавлат нотижорат ташкилотлари кучли фуқаролик жамияти қуришда, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бош Қомусимизнинг 34-моддасидаги "**Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар**" каби фуқароларнинг жамият институтларида иштирок этишини таъминлаб берадиган ҳуқуқий асосларнинг эътироф этилиши мамлакатимизнинг жамият тараққиёти инсоният ҳаётининг бир неча асрлар мобайнидаги тажрибалари ва синовларидан муваффақиятли ўтган эркинлик жамияти — фуқаролик жамияти сари интилаётганлигини англатади.

Республикадаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар фаолияти 1991 йил 14 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонунида ифода қилинган. Шунингдек, мазкур ташкилотлар "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" янги таҳрирдаги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" янги таҳрирдаги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари воситасида ўз фаолиятларини мувофиқлаштириб боради.

Нодавлат ташкилотлар тизимини янада мустаҳкамлаш, мазкур ташкилотларнинг жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини ифода этишга йўналтириш мақсадида 2003 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат жамғармалари тўғрисида" ги Қонуни қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 400 дан зиёд республика аҳамиятига молик нодавлат жамоат бирлашмалари фаолият олиб бормоқда. Улардан 100 га яқини халқаро ташкилотлар мақомига эгадир.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини фуқаролик жамияти институти сифатида ривожлантиришда 2005 йилнинг 10 июнида ташкил топган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси муҳим аҳамият касб этди. Мустақил, барқарор, аҳолининг турли қатламлари қўллаб-қувватлайдиган фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва иш фаоллигини ошириш мақсадида 2005 йил 26 июлда "Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди" ташкил топди.

Мана шундай ижтимоий-сиёсий вазият Ўзбекистоннинг демократик тараққиёт сари илдам қадамлаётган воқелигида бевосита намоён бўлмоқда. Чунки келажак авлодни тарбиялаб вояга етказиш, ҳар томонлама етук малакали кадрлар қилиб камол топтириш жамиятимизнинг бош мақсади қилиб белгиланган.

Бугунги кун нуқтаи назари билан қарайдиган бўлсак, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда аввало, маҳалла катта мактаб ролини ўтамоқда. Юртимизда маҳалла қадимги даврлардан бошлаб халқнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида намоён бўлиб келган. Мустақиллик эълон қилиниши билан маҳалла ўзининг қадимий, анъанавий ва ҳуқуқий мақомларига эриша бошлади. Шу билан бирга, давлат ва унинг органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинларини фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир чуқур ислоҳотлар ҳам амалга оширилди. Чунончи, ҳар бир инсон маҳаллада камол топади, одоб-ахлоқ нормаларини, шарқона, миллий анъаналаримиз ҳамда урф-одатларимизни шу ерда ўрганади. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан мунтазам ўтказиб келинаётган лойиҳалар ҳам ёшларимизнинг Ватанга садоқат, фидойилик, юксак маънавий баркамоллик каби фазилатларини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳаракат мамлакатда фаолият юритаётган жамоатчилик бирлашмаларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг энг йириги ҳисобланиб, давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликнинг аниқ мисоли ҳисобланади. Шунингдек, Ижтимоий хизмат марказлари тармоғи фаолият кўрсатади. Ушбу марказлар ёшларга ҳуқуқий, тиббий ёрдам кўрсатишда, уларни касбга йўллаш ва янги касбларга ўқитиш, ишга жойлаштиришга кўмаклашади.

Мамлакатимиз ёшларини Ватанимизда олиб борилаётган сиёсий-ижтимоий жараёнлар, давлат бошқаруви тизими ҳамда жаҳонда кечаётган турли жараёнлар билан мунтазам таништириб бориш ишларида республикамизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Ҳозирда юртимизда фаолият олиб бораётган "Адолат" социал-демократик партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал – демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси тараққий топган демократик давлатларнинг ижобий тажрибасига таяниб, юртимизда кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида ўз электорати манфаатлари йўлида ўз дастурлари ва нуқтаи назари билан кўпроқ намоён бўлишга интилмоқда.

Ҳозирги пайтда фарзандларимиз республика ва унда истиқомат қилаётган аҳолининг порлоқ келажагига йўналтирилган тарихий босқич бошланишининг гувоҳи бўлиб туришибди. Бу босқичда албатта, фуқаролик институтининг муҳим шаклларидан бири бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва мавқеи муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

**Ҳайдар БОБОХОНОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси**

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Тошкент шаҳар ва Миробод туман Кенгашлари, "Аёллар қаноти" ҳамда 4-шаҳар туғруқ мажмуаси ҳамкорлигида "Обод диёрнинг бахтли болажонлари" мавзусида тадбир ташкил этилди.***

# ОБОД ДИЁР БОЛАЖОНЛАРИ

Юртимизда 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси олдига ҳам катта вазифаларни юклади. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда "Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади!" Дарҳақиқат, асрлар давомида ўз қадр-қимматини йўқотмай келаётган ушбу ҳақиқатни теран англаб, миллий қонунчилигимизни, хусусан оналар ва болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, улар саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз ижтимоий сиёсатида асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳар томонлама соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратишга кўмаклашиш мақсадида 4-шаҳар туғруқхона мажмуасининг туғруқ, она ва бола хоналарининг ҳомийлар кўмагида энг замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланишига амалий ёрдам кўрсатди.

Тадбирда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, перинатал ва скрининг марказлари, патронаж хизматларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, оналар ва болаларни парвариш қилиш даражаси ва сифатини ошириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш кераклиги ҳақида сўз борди.

Шунингдек, тадбирда сўз олганлар, Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берганлиги, мазкур қарор асосида мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам кўрсатаётган муассасаларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш бўйича 5 йилга мўлжалланган қатор долзарб вазифалар белгилаб берилгани ҳақида ҳам таъкидлаб ўтишди.

Мухтасар қилиб айтганда, бутун халқимизнинг жисмоний соғломлиги ва маънавий камолотини янада мустаҳкамлаш, ҳеч шубҳасиз, бизнинг мана шундай ўта муҳим вазифаларни қай даражада амалга оширишимизга бевосита боғлиқ бўлиб, барчамиз бу эзгу ишда фаол қатнашишимиз,- оналик ва болаликнинг ҳуқуқий-меъёрий томондан юксак босқичга кўтаришга ва миллий қонунчилигимизни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур.

Дарҳақиқат, болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланиши керак. Чунки ҳомиладор аёлнинг руҳий-физиологик ҳолати, барча ҳис-туйғулари, кайфияти она вужуди орқали болага ўтади. Бундан хулоса шуки, болани эъзозлаш учун аввало онани эъзозлаш керак. Бу борада барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур.

**(Ўз мухбиримиз)**









**Ёз — ўтмоқда соз**

***Бугун катта ҳалқа йўли бўйлаб Бектемир туманига Бахт кўли орқали юрар экансиз, у ерда аҳолининг, айниқса болажонларнинг қийқириб чўмилаётгани, қувончу шодлигига гувоҳ бўласиз.***

# БАХТ КЎЛИ ЧОРЛАЙДИ

"Наҳотки, бу ерни ҳам ажойиб масканга айлантиришган бўлишса?", деган фикр беихтиёр хаёлингиздан ўтади.

Шундай. Илгари ташландиқ бўлиб ётган Бахт кўли Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши билан бугун аҳоли учун кўркам дам олиш масканига айланди.

Бу масканнинг обод бўлишида, аввало, пойтахтимиздаги барча туманлари тадбиркорларининг муносиб ҳиссаси бор, десак янглишмаймиз.

— Дарҳақиқат, қарийб 60 гектар жойни эгаллаган Бахт кўли бугун бошқача кўринишда. Яккасарой, Юнусобод, Чилонзор, Миробод ва бошқа туманлар тадбиркорлари меҳнати билан бу ерда кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Йўлаклар асфальт қилинди, болалар майдончалари, ошхоналар, кафе-барлар ташкил этилди. Жажжи болажонлар учун алоҳида бассейнлар, катталар учун чўмилиш ҳавзалари, душ, ётиб қуёшда тобланиш, салқин ичимликлардан баҳраманд бўлиш, овқатланиш жойлари ташкил этилди.

— Аввало, аҳоли учун қулай шароитларни яратдик, — дейди тадбиркорлардан бири Бахтиёр Олимов, — болажонлар ўтириб дам олиши, музқаймоқ ейиши, яхна ичимликлардан ичиши, соя-салқин жойларда дам олиши мумкин.

— Бахт кўлида ўртоқларим билан мириқиб чўмилаяпман, — дейди Бектемир туманидаги 292-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Илҳом Хўжанов, — Бу ерда биз учун ҳамма шароитлар яратилган. Жуда хурсандман, янги ўқув йилигача ҳар куни келиб чўмилиб, соғлигимни мустаҳкамлаймоқчиман.

Айтиш керакки, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан "Бахт кўли" Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғига вақтинчалик филиал сифатида берилди, бу ерда 75 та иш ўрни ташкил қилинди. Боғ раҳбарининг айтишича, асосий ишчилар кўлга яқин Бектемир туманининг "Олмос" маҳалла аҳолисидан саралаб олинди.

Энг муҳими, Бахт кўли чўмилиш ҳавзасида зарур назорат ўрнатилган. Бу ерда тиббиёт ходими фаолият юритади. Тошкент шаҳар ДСЭНМ дан алоҳида вакил бириктирилган бўлиб, кун давомида кўлдаги сувнинг ҳолати назоратдан ўтказиб борилади, шунингдек, қўриқлаш хизмати ходимлари жалб қилинган.

— Кўлдаги сувнинг ҳолатини кун давомида текшириб турамиз, — дейди ДСЭНМ ходими Муқаддас Аширова, — бизга бириктирилган асосий вазифа бу ерда санитария қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини текшириб туришдан иборат.

— Бугун Бектемир тумани маҳаллаларидан 200 га яқин аҳоли билан кўлга ташриф буюрдик, — дейди "Бинокор" маҳалласи фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хадича Умарова. — Аҳолимиз масза қилиб сайр қилишаяпти, болажонларимиз чўмилишаяпти, улар орасида кам таъминланган оилалар ҳам бор, айни ёзги таътилда болажонларимиз чўмилиши учун бу ерда қонуний шароитлар яратилгани мени беҳад мамнун қилди.

— Илгари бу ердаги сув бир жойда тўпланиб турарди, ҳозир сув доимо янгиланиб, айланиб туради, — дея фикрини давом эттиради Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбари Баҳодир Султонов, — кўлга қизиқувчилар сафи кундан кунга кўпайиб бормоқда. Насиб қилса, бу ерни ҳам Ғафур Ғулом боғидек одам гавжум масканга айлантирамиз. Келгусида бу жой аҳолининг энг севимли ҳордиқ оладиган масканларидан бирига айланади.

Биз ҳам ушбу фикрга астойдил қўшилдик.

**З.ШАРИФЖОНОВ**
**И.Исмоилов олган суратлар**

# МАҲАЛЛАДА МАСЛАҲАТ

***Ўтаётган ҳар бир кун бизни Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик шодиёналарига яқинлаштирмоқда. Шу муносабат билан жойларда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида турли байрам тадбирлари, маданий-маърифий кечалар ўтказилаётир.***

Ана шундай тадбирлардан бири Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш мақсадида ўтказилган тадбирга адиб ва шоирлар, санъаткорлар, нуроний отахон ва онахонлар, маҳалла фаоллари, ёшлар таклиф этилди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ишлар самаралари, эришилган муваффақиятлар, ютуқ ва марралар хусусида сўз юритилди. Мустақиллик туфайли миллий давлатчилигимиз қайта тиклангани, тараққиётнинг "ўзбек модели" самарасида мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати охирги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётгани таъкидланди.

– Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва кенг нишонлаш учун маҳалламизда ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Алимов. – Хусусан, барча кўчаларда ҳашар ўтказилиб, чор-атроф янада озода, файзли ҳолатга келтирилаётир. Чойхоналар, маҳалла гузарлари, кичкинтойлар учун болалар майдончалари, спорт мажмуалари бунёд этилгани байрамга ўзига хос туҳфа бўлди.

Тадбирда "Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик", "Мустақиллик бу – энг аввало ҳуқуқдир", "Мустақиллик – энг олий неъмат" мавзуларида маърузалар тингланди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга ташкилотчи ва меҳмонлардан жавоб олди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

**Б.ҲИДОЯТОВ**

***Миллий матбуот марказида "Фонд бозорини модернизациялаш – замон талаби" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.***

# ЯГОНА ДАСТУРИЙ-ТЕХНИК МАЖМУА ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда мустаҳкам иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий асосга эга бўлган ва халқаро андозаларга мос равишда иш олиб борадиган фонд биржаси шаклланиб бормоқда. Бугунги кунда фонд биржаси мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий янгиланишларни ривожлантириш жараёнларини муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда. Фонд биржасида қимматли қоғозлар савдосини кенг миқёсда ташкил этиш, инвесторлар учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари ижроси доирасида фонд биржаси савдоларига инвесторларни, биринчи навбатда стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш мақсадида фонд биржасида хорижий валютада битимлар тузиш, қимматли қоғозларни IPO орқали жойлаштириш, ҳосила молиявий воситаларнинг олди-сотди битимларини амалга ошириш имкониятини берувчи янги савдо майдончалари ишга туширилди.

Олиб борилган ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида қимматли қоғозлар билан амалга оширилган умумий савдо айланмаси ҳажми сўнгги беш йилнинг мазкур давридаги энг юқори кўрсаткичи – 104.4 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1.3 баробар кўп демакдир.

Айтиш жоизки, акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни кенг жалб этиш, уларнинг устав капиталларидаги давлат улушларини қисқартириш ҳисобига иқтисодиётда давлат иштирокини тубдан камайтириш борасида ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда биржа савдоларига қўйилган акция пакетлари билан амалга оширилган битимларнинг фаоллашуви савдо айланмасининг юқори бўлишига олиб келган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

– Йил бошидан буён биржа савдолари орқали 72 та акциядорлик жамиятининг 73,9 миллион дона қимматли қоғозлар билан 1700 дан ортиқ биржа битимлари тузилди, – дейди "Тошкент" республика фонд биржаси таҳлилий хизмат бошлиғи Ўктам Очилов. – Таъкидлаш лозимки сўнгги пайтларда биржа савдоларида жисмоний шахсларнинг улуши ортиб бормоқда. Жумладан, ўтган беш ой мобайнида биржа савдоларида умумий савдо айланмасининг 25 фоизи айнан жисмоний шахслар иштирокида амалга оширилган. Бу аҳолининг мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларига бўлган ишончи ва қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради. Бундан ташқари бугунги кунда Ўзбекистон фонд бозорини модернизация қилиш дастури доирасида Корея биржаси билан ҳамкорликда ягона дастурий-техник мажмуани жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад мамлакатларимиз фонд биржалари ўртасидаги алоқани кенгайтириш ва шу орқали Ўзбекистон фонд бозорини янги дастурий техник-технологияларга эга бўлишини таъминлашдан иборат.

Ҳозирда Корея биржаси томонидан мамлакатимиз фонд бозорини модернизация қилиш дастури доирасида Ягона дастурий-техник мажмуани яратиш учун зарур бўлган сервер ва телекоммуникация ускуналарини ўрнатиш ва синовдан ўтказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга "Тошкент" РФБ, Марказий депозитария, инвестиция воситачилари ва бошқа фонд бозори мутахассисларини янги дастурий тизимлар билан ишлашга ўқитиш ишлари режалаштирилмоқда.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига етарлича жавоб олишди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

**Реклама ўрнида**

IPOTEKA BANK

***Сир эмаски, бугун юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор қаратилмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш, қулай бизнес муҳитини яратиш борасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Берилаётган эътибор самараси ўлароқ тадбиркорлар сони кўпайиб, улар томонидан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир.***

# БАНК КРЕДИТЛАРИ ХУСУСИЙ БИЗНЕС РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Шу ўринда айтиш жоизки, бунда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларнинг ўрни беқиёсдир. Ушбу маблағлар ҳисобидан замонавий технологиялар жалб қилиниб, бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан тўлиб бораётир.

Бу борадаги ишларда "Ипотека банк" АТИБ Бекобод филиалининг ҳам ҳиссаси катта. Бугунги кунда мазкур банк томонидан молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни кўпайтириш, активлар ҳамда кредит портфели сифатини яхшилаш, белгиланган прогноз кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш мақсадида талай ишларни амалга оширмоқда.

Жорий йилда банк томонидан кичик бизнес субъектларига фаолиятини ривожлантириш, янги технологиялар келтириш, иш самарадорлигини яхшилаш мақсадида кўплаб кредит маблағлари ажратилди. Улар қаторида "Исломбек мебель файз сервис" хусусий корхонаси ҳам бор.

– Корхонамиз мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – дейди "Исломбек мебель файз сервис" хусусий корхонаси раҳбари Ҳикоят Полвонбоева. – Ҳомашё базасини мустаҳкамлаш мақсадида "Ипотека банк" АТИБ Бекобод филиалидан 58 миллион сўм кредит маблағлари олдик. Ушбу маблағлар ҳисобига ишлаб чиқариш кўлами кенгайди. Иккита янги иш ўрни яратдик. Келажакда бир қатор янги лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилганмиз. Бунда албатта, "Ипотека банк" АТИБ Бекобод филиали хизматларидан фойдаланишни мақсад қилганмиз.

Шу ўринда айтиш жоизки, "Ипотека банк" АТИБ Бекобод филиали томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда.

**А.СОДИҚОВ**
*Хизматлар лицензияланган*

# ТУМАН КЕНГАШИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

***"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани кенгашининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди.***

Унда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши, билим ва салоҳиятини намоён этиши учун барча имкониятлар яратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йиллар давомида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани кенгаши томонидан мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ривожлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби йўналишларда тизимли ишлар амалга оширилди.

Конференцияда ҳаракатнинг туман кенгаши томонидан ўтган икки ярим йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Ёшларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди ва келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

**Г.САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Танловлар**

# БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилаётган "Билимлар беллашуви" интеллектуал танловининг республика босқичи бўлиб ўтмоқда.***

Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида билимлар беллашувининг табиий ва ижтимоий фанлар йўналишидаги босқичи юксак савияда бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги математика институти директори Ш.Аюпов, Ўзбекистон Қаҳрамони, математика ва информатика фани ўқитувчиси Т.Азларов ва бошқалар кадрлар тайёрлаш миллий дастури натижасида мамлакатимизда замонавий таълим тизимига асос солиниб, янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилганини таъкидлади.

— 2010 йилдан буён анъанавий равишда ўтказиб келинаётган билимлар беллашуви интеллектуал лойиҳаси ўқитиш сифатини оширишда, ўғил-қизларнинг билимини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги матбуот котиби Баҳриддин Шайвалиев. — Беллашувни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларнинг қобилият ва иқтидорларини қуйи синфлардан бошлаб аниқлаш, шундан келиб чиқиб касб-ҳунарга йўналтириш, мактабларда соғлом рақобатни ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг билим олишига бўлган қизиқишларини оширишдан иборатдир.

Жумладан, билимлар беллашуви таълим стандартлари талабларининг бажарилишини ўрганиш, ўқув муассасалари ва таълим идоралари фаолиятини баҳолаш, туман ва шаҳарларнинг бу борадаги рейтингини аниқлаш имконини беради.

Жорий йилдаги билимлар беллашувининг илк босқичида 5-8-синфларнинг икки миллион нафардан ортиқ ўқувчиси 16 та фан бўйича қатнашди. Энг яхши натижаларни кўрсатган ўғил-қизлар аълочилар танловининг якуний босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мазкур заковат мусобақасининг дастлабки жараёнида аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар ҳамда филология фанлари бўйича ўқувчиларнинг иқтидори синовдан ўтказилди.

Танловнинг республика босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлган барча ўқувчилар Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Чимён қўрғонида жойлашган "Қуёшли" оромгоҳида бепул дам олиш учун имкониятни ҳам қўлга киритди.

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этиладиган бу йилги дам олиш мавсумида мустақиллик йилларида баркамол авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган меҳр ва эътиборни акс эттирувчи маърифий тадбирлар, олимлар, етук мутахассислар, ўқитувчи, мураббийлар иштирокидаги маърифат сабоқлари, викториналар, фан кечалари ўтказилиши режалаштирилган.

Билимлар беллашувида ҳар бир фан бўйича биринчи ўринни эгаллаган ўқувчини шу фан бўйича республикамиздаги таниқли академик олимлар, фан арбоблари, профессор ўқитувчилар тақдирлайди. Бу эса ўқувчиларда билим олишга бўлган иштиёқни кучайтириш ва рағбатлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**






ЎзА олган суратлар

Санъат

# ЁШЛАР МАҲОРАТ ОШИРМОҚДА

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида хорижлик мутахассислар иштирокида маҳорат сабоқлари ўтказилмоқда.***

Театрда кўплаб хорижий мамлакатларнинг опера ва балет театрлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Италия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Венесуэла каби давлатларнинг дирижёр, режиссёр ва хореографлари билан биргаликда саҳна асарлари қўйилган.

Шу кунларда мазкур театрда Италия ҳамда Россиядан келган опера ва балет ижрочилари иштирокида маҳорат сабоқлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилаётган мазкур лойиҳага ёш опера хонандалари, Ўзбекистон давлат консерваториясининг талабалари, балет ижрочилари кенг жалб этилган.

Санъатнинг мураккаб ва жозибадор жанри бўлган опера асар ғоясини тингловчига етказа билиш билан бирга оҳанглар авжи, ижро техникаси, мукаммал талаффуз, юксак актёрлик маҳоратини талаб этади. Италиялик опера хонандаси Ренато Брузон (баритон) иштирокида ташкил этилган маҳорат сабоқларида шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Ўзбекистонга биринчи бор келишим, – дейди Р.Брузон. – Машғулотлар давомида ўзбек опера санъати жуда юқори даражада экани, Ўзбекистон истеъдодли ёшларга бойлигига гувоҳ бўлдим. Муҳташам театр, репетиция учун шинам заллар, санъат аҳли ҳамда томошабинлар учун яратилган қулай шароитлар мени ҳайратга солди.

Тадбирда ёш санъаткорларимиз жаҳон классик асарларидан намуналар ижро этмоқда.

Мамлакатимизда балет санъати ҳам ривожланиб бормоқда. Ушбу нафис санъат тури бўйича ўтказилаётган машғулотлар қизғин, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш руҳида, эркин ва ижодий кайфиятда кечмоқда.

– Ҳар бир балет спектаклидаги образларнинг ўзигагина хос бўлган қиёфаси бор, – дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг бош балетмейстери Қўрқмас Соатов. – Ушбу маҳорат дарслари ҳам ёшларга саҳна асарларидаги муайян хореографик сиймо ижросининг моҳиятини теранроқ англашга ёрдамлашади. Уларни ўз устида доимий ишлашга янада кўпроқ руҳлантиради.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Спорт янгиликлари

## “ЛОКОМОТИВ” — ЯККА ПЕШҚАДАМ

“Пахтакор” марказий стадионида “Машъал” билан куч синашган пахтакорчилар сермазмун, ҳужумкор ўйин намойиш этишди ва 3:0 ҳисобидаги йирик ғалабага эришишди. Дарвозага голларни Ж.Болтабоев, Ш.Каримов, И.Сергеев (пенальти) киритишди.

Жорий йилги биринчиликни кўтаринки руҳда ўтказаётган “Локомотив” жамоаси Қаршида “Насаф” меҳмони бўлди. Турнинг марказий учрашуви ҳисобланган ушбу баҳсда тошкентликлар ғалаба қозонишди. Мезбонлар футболчиси Э.Бойдуллаев томонидан киритилган голга Темурхўжа Абдухолиқов ҳам икки марта мезбонлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни ўз жамоаси фойдасига ҳал қилди. Ўйин 2:1 ҳисобида “Локомотив”нинг ғалабаси билан якунланди ва темирйўлчилар турнир жадвалида ҳозирча якка пешқадам бўлиб туришибди.

Турнир жадвалида “Локомотив”дан кейин иккинчи ўринда бораётган “Бунёдкор” сафарда “Металлург” жамоаси билан куч синашди. Қизиқарли, муросасиз кечган баҳсда томонлар мурosa йўлини танлашди. Учрашув 1:1 ҳисобида якунланди. Мухлислар шу куни “Металлург”дан М.Тошматов, “Бунёдкор”дан — З.Ўринбоев томонидан дарвозаларга киритилган голларга гувоҳ бўлишди.

Қолган баҳсларда қуйидаги натижалар қайд этилди: “Обод” — “Шўртан” — 2:3, “Қўқон – 1912” — “Сўғдиёна” — 1:2, “Бухоро” — “Нефтчи” — 2:0, “Қизилқум” — Навбаҳор” — 1:0, “Андижон” — “Олмалиқ” — 0:2.

## ТАҚВИМДА ЯНА ЎЗГАРИШ

***Ўзбекистон футбол федерацияси Профессионал футбол лигаси томонидан йил бошида мамлакат чемпионати ва кубоги баҳслари тақвими эълон қилинади.***

Унга кўра жорий йилги Ўзбекистон кубоги 1/4 финалининг биринчи ўйинлари 5-6 июлга, жавоб учрашувлари 8 июлга белгиланган эди.

Профессионал футбол лигаси расмий сайтида Ўзбекистон кубогининг 1/4 финал ўйинлари санаси маълум қилинди.

Янги белгиланган тақвимга кўра Ўзбекистон кубогининг 1/4 финал ўйинларининг биринчи учрашувлари санаси ўзгармаган. Яъни кубок баҳслари 5 июлда бўлиб ўтади. Аммо 1/4 финалнинг жавоб беллашувлари 28-29 июль кунларига белгиланди. Ваҳоланки, аввалги тақвимда Ўзбекистон Кубогининг ярим финал баҳслари 29-30 июль кунлари ўтказилиши керак эди.

Ўзбекистон Кубогининг финал учрашуви 27 ноябрда бўлиб ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## БОШ СОВРИННИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

***Қозоғистондаги “Almaty Open — 2016” халқаро турнирининг ўсмирлар ўртасидаги жуфтлик беллашувларида бош совринни ўзбекистонлик теннисчилар — Амал Султонбеков ва Сергей Фоминга насиб этди.***

Ҳамюртларимиз мусобақа давомида қозоғистонлик Радион Пак ва туркманистонлик Андрей Кашченкодан 6:1, 6:0, қирғизистонлик Намозбек Дуйшенбиев ва Мирғиёс Миржалиевдан 6:4, 6:2, ярим финалда иккинчи рақамда саралланган мезбон Темур Мавлонов ва Достонбек Тошбулатовдан 1:6, 6:3, 10:5 ҳисобида устун келди.

Амал Султонбеков ва Сергей Фомин бош совринн учун ўтказилган ҳал қилувчи беллашувда биринчи рақамда саралланган жуфтлик туркиялик — Жем Эртурк ва қозоғистонлик Григорий Ломакин билан рақобатлашди.

Учрашувнинг биринчи сетида ҳамюртларимиз 1:0 ҳисобида олдинга чиқиб олгач, айрим сабабларга кўра рақиб теннисчилар учрашувни давом эттиришдан бош тортиб, мағлубиятини тан олди. Шундай қилиб, ҳамюртларимиз “Almaty Open — 2016” халқаро турнирининг бош совринига эга чиқди.

***Бутунжаҳон бокс серияси (WSB) турнирининг қизғин кечган VI мавсуми якунига етганидан юртимиздаги барча спорт мухлисларининг хабари бор.***

## МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖАМОАСИ

Мусобақанинг финал босқичига 4 июнь куни Тошкентдаги “Ўзбекистон” спорт мажмуаси мезбонлик қилган, ҳал қилувчи беллашувларда Буюк Британиянинг “British Lionhearts” жамоаси Кубанинг “Cuba Damodores” боксчилари билан куч синашиб, йирик 9:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган эди.

Турнир якунларига кўра, WSB мавсумнинг энг яхши жамоаси номини аниқлаш мақсадида ижтимоий тармоқлар орқали сўровномани эълон қилди. Йилнинг энг яхшилари қаторидан уч жамоа — чемпион “Cuba Domadores” (Куба), финалчи “British Lionhearts” (Буюк Британия) ҳамда ҳамюртларимиз, мусобақа дебютанти ва ярим финалчиси “Uzbek Tigers” бокс клуби ўрин олган.

Эслатиб ўтамиз, ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари ярим финалда мусобақа ғолибига айланган кубалик боксчиларга имкониятни бой бериб қўйишган эди.

## ҚИЗЛАРИМИЗ ФРАНЦИЯДА ҒОЛИБ БЎЛДИ

***Франциянинг Булонь-сюр-Мер шаҳрида каноэда эшкак эшиш бўйича аёллар ўртасидаги халқаро мусобақа бўлиб ўтди.***

Қувонарлиси, юз нафарга яқин маҳоратли спортчилар қатнашган ушбу йирик турнирда терма жамоамиз аъзолари ҳам совриндорлар қаторидан жой олишга муваффақ бўлди. Жумладан, 200 ва 500 метрга якkалик йўналишида ўз омадини синаб кўрган Дилнавоз Раҳматова ҳар икки баҳсда ҳам марра чизиғини иккинчи бўлиб босиб ўтди.

Жуфтликдаги иштирокчилар орасида Нилуфар Зокирова билан тандем ҳосил қилган Дилнавоз 200 метр масофада яна кумуш медаль билан тақдирланди. Дилнавоз Раҳматова, Нилуфар Зокирова, Екатерина Заркова ва Лаура Ролоффдан иборат тўртлик эса 500 метр масофада тенгсиз бўлиб, ўз ҳисобларига олтин медални ёзиб қўйишди.

***Ўсмирлар ва катталар ўртасида корд авиамодели бўйича Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги мусобақалари бўлди.***

## МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти томонидан Наманган автомобиль мактабида ўтказилган мусобақада Наманган, Андижон, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан юз нафарга яқин спортчи иштирок этди.

Тўрт кун давом этган қизғин ва муросасиз беллашувларда ўқув-техника спорт клублари ва “Ватанпарвар” бошланғич ташкилотларида шуғулланувчи катта ёшдагилар чемпионат, 18 ёшгача бўлган ўсмирлар эса биринчилик мусобақаларида ўз маҳоратини намойиш қилди.

Чемпионат баҳсларида олтин медалларни Тошкент шаҳридан Сергей Святний, Вадим Васильев, Борис Наговлар, Фарғона вилоятидан Алишер Мирзаев ва Юрий Киселев жуфтлиги қўлга киритди. Биринчилик мусобақаларида эса пойтахтлик спортчилар — Муҳиддин Бобораҳимов, Алексей Калашников, фарғоналик Лазизбек Ғаффоров ҳамда наманганлик Сардор Умаров шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

## Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Ақлли киши бировнинг вақтини олмайди.**

* * *

**Нодон оқибатни кўролмайди.**

* * *

**Нафс кишининг кўл-оёғини боғлайди.**

* * *

**Бировга қолган кун ўтмас.**

* * *

**Бермаснинг оши пишмас.**

* * *

**Ваҳимачи ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаб яшайди.**

* * *

**Бошқаларнинг олдида бебурд бўлишдан ёмони йўқ.**

* * *

**Ўзи азалдан шу: имконияти йўқ имконият қидиради, имконияти бор қадрига етмайди.**

* * *

**Ўзини чеклаган ютади.**

* * *

**Сон кетидан қувган сифатдан ютқизади.**

* * *

**Ёмонга ён берсанг, бошингга чиқади.**

* * *

**Ҳасад — инсон вужудига тушган қурт.**

* * *

**Бировнинг касрига қолишдан ҳам ёмон нарса йўқ.**

* * *

**Истеъдоднинг кушандаси ялқовлик.**

* * *

**Ҳавас — гул, ҳасад — ўт.**

* * *

**Ҳасад ўти аввало ҳасадгўйнинг ўзини куйдиради.**

* * *

**Ўзини кўрсатишга ўчлик — инсоннинг энг ёмон хислати.**

* * *

**Ақлли деб аташларини ҳамма хоҳлайди.**

* * *

**Иқтидор туғма бўлади, билим эса эгалланади.**

* * *

**Дўстни кўчадан изламайдилар.**

* * *

**Нодондан нажот кутма.**

* * *

**Феъли ёмон — топмас омон.**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **22 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли мавжуд. Ғарбдан секундига 5-10 метр, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 19-21, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **22** ва **23 июнь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ